

КУРИЛИШ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 10

Самарканд ш.

«20» декабр 2022 йил

Ушбу шартнома бир томондан Низомга асосан иш юритувчи **“IMKONIYAT STROY “MCHJ** Рахбари **Игудалов И.А.**, бундан кейин пудратчи ташкилотлари амалдаги низомга асосан иш юритувчи Вилоят Перинатал марказ директор Хамроева Л.К. узаро икки томонга маъқул булган шартлар асосида ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ ВА КУЧГА КИРИШ МУДДАТИ.

- 1.1 Ушбу шартнома узаро шартнома тузувчилар томонидан Самарканд Вилоят Перинатал маркази қозонхона ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмат курсатиш ишларини амалга ошириш мақсадида тузилди.
- 1.2 Шартнома Буюртмачи томонидан лойиха-смета ҳужжатларни тулик пудратчига тақдим этганда Буюртмачи ва пудратчи биргаликда жорий таъмирлаш учун керак булган ҳужжатларни расмийлаштирган вақтдан бошлаб кучга киради.
- 1.3 Ушбу шартномани амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача белгиланган.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КУРИЛИШ НАРХИ.

- 2.1 қозонхона ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш ишлари ҳажми шартнома баҳосида 92000000 (**Тўқсон икки миллион**) сум.
- 2.2 Шартнома баҳосида материаллар нархи ҳисобга олинган.
- 2.3 Шартнома баҳоси қурилиш ишлари тамом булганга қадар узгармайди.

3. КУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.

- 3.1 Қурилишнинг бошлаш вақти 22 декабр 2022й тугатиш вақти 26 декабр 2022 йил.
- 3.2 Қурилишнинг тухташиб қолиш учун сабабчи булган томон бунинг оқибатида қелиб чиқадиган ҳар қандай қамомат ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4. МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ШАРТЛАРИ.

- 4.1 Буюртмачи пудратчини молиявий аҳоли оғир булган шароитда, қурилишга керак булган материаллар, ёқилғи ва транспорт хизмати билан таъминлайди.
- 4.2 Буюртмачи қурилиш жараёнида пудратчида булган ортиқча материалларни ишлаб чиқариш зарурияти туфайли бошқа пудратчига олиб беришни таъминлайди.

5. ТУЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ.

- 5.1 Буюртмачи ушбу шартномани имзолаган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида Пудратчига ҳисоблаб чиқилган шартнома баҳосида 30 фойизини аванс тариқасида қучириб беради.
- 5.2 Буюртмачи пудратчи билан тузган шартнома нархини 50 фойизгача туловини амалга оширади. Қолган қисмини қурилиш ишлари фойдаланишга топширилгандан кейин 25 кун ичида тулаб беради.

6. БУЮРТМАЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 6.1 Буюртмачи ушбу шартнома тасдиқлангандан сунг 20 кун муддат ичида пудратчини Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябр 395-сонли қарорини 3 иловасига асосан лойиха ҳужжатлари билан таъминлайди.

6.2 Буюртмачи пудратчи ташкилот томонидан бажарилган қурилиш ишлари далолатномасини (счёт-фактура) 72 соат ичида материаллари нархи билан биргаликда қуриб чиқиб тасдиқлаб беришни таъминлайди.

7. ПУДРАТЧИНИНГ ХУКУКЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 7.1 Шартномада қўзда тутилган барча ишларни КМК ва лойиха асосида ҳамда ишларни юқоридан келтирилган муддатда бажаришни уз зиммасига олади.
- 7.2 Буюртмачи смета-лойиха ҳужжатларини олгандан сунг 45 кун муҳлат ичида булган камчиликларни ёзма равишда такдим этади.
- 7.3 Хар ойнинг 25 санасида жорий ойда бажарилган қурилиш монтаж (махсус) ишларни тасдиқловчи ҳужжатларни Буюртмачига такдим этишни таъминлайди.
- 7.4 Табиатни муҳофаза қилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қоидалар бузилган тақдирда уз ҳисобидан тулашни уз зиммасига олади.
- 7.5 Алоҳида конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиб бошланишдан 2 кун олдин пудратчи Буюртмачи ёзма равишда хабардор қилади.
- 7.7 Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни қуришда ва қуринмай қолган махсус «Ёпик» ишларга далолатномалар тузиб КМК асосида ҳамма ҳужжатларни белгиланган муддатга топширишни таъминлайди.
- 7.8 Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачи тасдиғисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган булса, ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби бўйича, пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8. БУЮРТМАЧИ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 8.1 Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган қурилиш (махсус) ишлар далолатномаси 72 соат ичида қуриб чиқиб тасдиқлаб бермаса хар бир кечиктирилган кун учун. Бажарилган қурилиш монтаж ишлар ҳажмидан 0,1%, микдорда жарима тулайди. Жарима қунига 5 минимал иш ҳақидан ошмаслиги лозим.

9. ПУДРАТЧИНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 9.1 Қурилиш жараёнида муаллифик назорати, техник назорати ва бошқа текширувчи ташкилотлар томонидан курсатилган ҳато ва камчиликларни 30 кун мобайнида уз вақтида бартараф этилмаса хар бир кечиктирилган кун учун 5 (беш) минимал иш ҳақи микдорида жарима тулайди. Курсатилган ҳато ва камчиликларни 30 (уттиз) кун ичида бартараф этмаса Буюртмачи ёки фойдаланувчи ташкилот ушбу ҳато ва камчиликларни Буюртмачи ҳисобидан тузатиб 50% микдорида қушимча устама олади..2

10. ҚУРИЛИШ (МАХСУС) ИШЛАРНИ СИФАТИ ТУГРИСИДА.

- 10.1 Пудратчи уз томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.
- 10.2 Агар Буюртмачи пудратчи ташкилоти томонидан бажарилган ишларни сифатсиз бажарилганини аниқласа, бажарган ишларини қайтадан бузиб уз ҳисобидан курсатилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Буюртмачига сифатсиз бажарилган ишларни ҳажмидан 100% микдорида жарима тулайди.

11. КАФОЛАТЛАР.

11.1 Буюртмачи: Барча ишларни тулик хажмида ва мазкур шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини

- Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қойдалари ва техник шартларига
- Узи томонидан қурилиш учун қуланиладиган қурилиш материаллари, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, ҳамда техник шартларга мувофиқлигини
- Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартароф қилишни.
- Экологик таъсир ва техника хавфсизлиги қойдаларига риоя қилишни уз зиммасига олади.

11.2 Қурилиш объекти ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қаида ____ ой этиб белгиланади.

11.3 Агар объектни кафолати вақтида фойдаланувчи ташкилот тузатиб булмайдиган камчиликлар аниқланса, кафолат муддати нуксонларни бартароф этиш даврига узайтирилади. Нуксонларни Ёрдамчи пудратчи уз ҳисобидан бартароф этади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартароф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, камчиликларини далолатномада қурсатилган муддат ичида бартароф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 5 бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

11.4 Пудратчи камчиликлар ва чала қилинган ишларни қурсатиб утилган далолатномани имзолашда бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектурақурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжалик судига мувожат қилишини истисно этмайди.

12. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

12.1 Томонлардан бири шартнома шартларини тулик ёки қисман бажара олмаса шартнома муддати ҳам шунча кунга кечиктирилади.

12.2 Бартараф этиш оғир булган ҳолатга дучор булган томон дарҳол қолган ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилиш лозим, акс ҳолда ҳар-ҳзил сабабларни қулач қила олмайди.

12.3 Агар форс-мажор ҳолати ____ ойдан ортиқ давом этса, томонлар шартнома тақдири тугрисида қелишиб оладилар.

12.4 Узаро қелишувларда низолар уз ечимини топмаса, томонларнинг бири аризасига қура Ҳужалик судида қуриб чиқилади.

БУЮРТМАЧИ:

Самарқанд вилоят Перинатал марказ
Самарқанд ш. Али Қушчи, 3
х/с 401042186018401707331054001
Марказий банк Ташкент ш.
МФО 00014 Ташкент шаҳ.
Директор Ҳахроева Л.К.

Юрмас
Мухаммад
Скент

“ПУДРАТЧИ”

Номи: “IMKONIYAT STROY “MCHJ
Манзили: ЎЗБЕКИСТАН, Самарқандская
область,
Пайарыкский район, Payariq tumani
Тел: 993782082
СТИР: 306297464
Ҳисобракам: 20208000205048071001
Банк: ПАЙАРИК Т., “АГРОБАНК” АТБ
ПАЙАРИК ФИЛИАЛИ
МФО: 00318
Директор Шувалов И.А.





Самарканд вилоят Перинатал марказига козонхона ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмат кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

БАЁНИ

Самарканд шаҳри

«20» декабр 2022 й.

Раислик қилувчи

С.М.Суяров

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Г.Бадикова

Комиссия аъзоси, бош ҳисобчи

С.Б.Базарова

Комиссия аъзоси, КУК раиси

Р.Д.Худяров

Комиссия аъзоси, Дорихона бошлиги

М.Элмуродова

Комиссия аъзоси, кадрлар булими нозир

Ж.Б.Кенжаев

Котиб, хужалик ишлари бўйича бошлиги

КУН ТАРТИБИ:

Самарканд вилоят Перинатал марказида козонхона ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмат кўрсатиш бўйича .Б.Кенжаев, Г.Бадикова, С.Б. Базарова, Р.Худаяров, М.Элмуродова, С.М.Суяров)

Марказ томонидан 2022 йил 08.12. Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига 208690—лот раками билан эълон жойлаштирилди.

Мазкур лот бўйича 2022 йил 16 декабрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган

Вилоят Перинатал марказида козонхона ва иситиш тизимини жорий таъмирлаш хизмат кўрсатиш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кура Комиссия аъзолари томонидан «Imkoniyat Strou» МСНУ корхонаси голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси

давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Перинатал маркази бош ҳисобчиси Г.Бадиковага:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 16 декабрдаги электрон баённомасига асосан ҳолиб «Imkoniyat Strou» МСНД корхонаси ҳолиб деб топилганлигини инобатга олиб корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Хужалик ишлари бўйича бошлиғи Ж.Б.Кенжаева шахсан хизмат курсатиш сифат даражаси назорати олиб борилсин.

Комиссия раиси

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Г.Бадикова

С.Б.Базарова

Р.Д.Худяров

М.Элмурадова

Ж.Б.Кенжаев

С.М.Суяров

Комиссия аъзоси, бош ҳисобчи

Комиссия аъзоси, КУК раиси

Комиссия аъзоси, Дорихона бошлиғи

Комиссия аъзоси, кадрлар бўлими нозири

Котиб, хужалик ишлари бўйича бошлиғи